

# Аллоҳ бирор набий юборган бўлса, у албатта қўй боққан

11:31 / 12.11.2018 2648

«مَلَأَ مَلَسًا وَهَلَعَهُ لَلِصَّيْبِ نَلَّ نَعْنَعُهُ لَلِضَّرَّةِ رِيَّ بَأَنِّ وَ-600  
تُنُكُ مَعَن» قَالَ: «أَوْ هُبَّاحُ صَأَلِ أَقِفْ» «مَنْ عَجَّلَ عَجْرًا لِي بَنُّ هَلَلِ شَعَبِ  
يُرَاحُ بَلَّ هَاوَرِ». «كَمْ لَهَ أَلَطِي رَارِقَ عِلَعِ هَاغَرًا»

600/4. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Аллоҳ бирор набий юборган бўлса, у албатта қўй боққан»**, дедилар.  
У зотнинг асҳоблари: «Сиз ҳамми?» дейишди. Шунда у зот: **«Ҳа. Мен  
Макка аҳли учун қийротлар эвазига қўй боқиб берар эдим»**,  
дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

\* Луғатшунослар «қийрот» деб майда пулга, дониқнинг ярми, яъни бир дирҳамнинг ўн иккидан бирига айтишади. Аслида унинг миқдори турли ўлкаларда турлича бўлган. Масалан, маккаликларда қийрот динорнинг йигирма тўртдан бир улуши ҳисобланса, аксар юртларда, хусусан фуқаҳолар наздида, йигирмадан бири бўлган. Аммо «қийрот» калимаси кейинчалик бир нарсанинг бўлакларини, жузларини ифода этиш учун ва шундан келиб чиқиб, бирор нарсанинг кўплигини, чексизлигини англатиш учун ҳам қўлланадиган бўлиб кетган. Ибн Можа ўзининг айрим шайхларидан нақл қилиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг битта қўйни бир қийрот эвазига боққанларини айтган.